Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 7 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (12.974)

Баҳоси эркин нархда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!







Айни кунларда бутун республикамизда Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, энг улуғ, энг азиз айём нашидаси тараннум этилмоқда.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Хусусан шаҳримизнинг кенжа туманларидан саналмиш Сергели туманида ҳам биз учун қадрли бўлган Мустақиллик байрамини ҳар жабҳада юксалиш, муваффақиятларга эришиш, изчил ислоҳотлар, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ёруғ юз билан кутиб олиш тараддудидалар.

Дарҳақиқат, Сергели туманига бундан 5-10 йил аввал келган киши бугун уни танимай қолиши турган гап. Чунки гулу чечакларга бурканган хиёбонлар, текис, равон йўллар, маҳобатли иншоотлар ва муҳташам бинолар, замонавий ва миллий услубни ўзида мужассам этган таълим-тарбия масканлари, корхона ва ташкилотлар, қадр-қиммат, меҳр-оқибат маскани бўлмиш маҳаллалардаги тинчлик-хотиржамлик туманда олиб борилаётган кенг қамровли ишлардан дарак бераётгандек гўё. 1968 йилда ташкил топган ушбу туманнинг майдони 5,6 минг гектарни ташкил этиб, 165,8 минг турли миллат вакиллари шу юрт фаровонлиги, ободлиги, ривожи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Туманда фаолият олиб бораётган корхоналар 2806 та бўлиб, улардан йирик корхоналар 41 тани, қўшма корхоналар 141 тани, кичик корхоналар 352 тани ва микрофирмалар 2272 тани ташкил этади.

Аҳоли 33 та обод ва ораста маҳаллаларда умргузаронлик қилиб, ўз маҳалласи, ўз уйларининг кўрса ҳавас қилгулик даражада файзли, шинам, тоза ва ораста бўлиши йўлида ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдалар. Аҳолининг соғлиғини тиклаш, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, спорт билан шуғулланишлари йўлида туманда энг замонавий талабларга жавоб берадиган 9 та тиббиёт муассасаси, 27 та мактаб, 34 та мактабгача таълим муассасаси, 7 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей, 20 та стадион, 4 та сузиш ҳавзаси, 35 та спорт заллари, 3 та спорт мактаби, 1 та маданият уйи ва 1 та мусиқий мактаб самарали, бугунги кун талаби даражасида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ички бозорини истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришда хусусий сектор вакилларининг ҳиссаси кундан кунга ортиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи ҳисобланмиш маҳаллий тадбиркор ва ишбилармонларимиз томонидан аҳолининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириб, шу билан бирга жойларда янги-янги иш ўринлари яратмоқда. Хусусан жорий йилнинг биринчи ярим йилида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 108,85 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 131,1 фоизга, асосий капиталга инвестиция 152,7 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари 112,5 фоизга, чакана савдо айланмаси 112,3 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажми 108,7 фоизга ошириб бажарилган.

Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Сергели тумани аҳолиси босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ундан кўзланган мақсад-моҳиятни чуқур англаган ҳолда, яъни заминимизда тинчлик ва барқарорлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик, фаровонлик, одамийлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва келажакка бўлган ишонч каби гўзал фазилатлар билан бойитиб, байрамни ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаган.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Нуфузли халқаро турнирларда Ватанимиз шуҳратини юксалтиришга ҳисса қўшиш ҳар бир спортчининг орзуси. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор кўплаб ёшларимизнинг жаҳон ареналарида ғалаба нашидасини суришига имкон яратмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ БАХТИ

Шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олиш учун спортчидан етук салоҳият, куч ва ирода талаб қилинади. Мамлакатимизда иқтидорли спортчиларни тарбиялашга қаратилган изчил тизим йўлга қўйилгани, чекка ҳудудлардаги спорт иншоотларида ҳам жаҳон андозалари даражасида шароитлар яратилаётгани, спортчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бунинг самарасида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ёшлар ўртасида кенг оммалашиб, улар ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланаётир, минглаб ёшлар нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётир.

Юртимизда спортнинг кўплаб турлари қатори бокс ҳам жадал ривожланмоқда. Ушбу спорт тури бўйича ҳар йили янги-янги иқтидор соҳиблари етишиб чиқаётир. Мураббийларимиз бошчилигида олиб борилган машғулотлар, мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар самарасида ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпия ўйинлари ғолиби бўлдим.

Мен учун энг эсда қоларли мусобақалардан бири 2014 йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадаси бўлди. Унда икки юздан ортиқ мамлакат спортчилари кураш олиб борди. Ярим финалда белоруслик Иляс Адзинаевни техник нокаутга учратдим. Мусобақанинг финал учрашувини Халқаро олимпия қўмитаси раҳбарияти бевосита кузатиб борди.

Ҳал қилувчи баҳсда рингга чиқишдан олдин ортимда бутун халқимиз, яқинларим турганини ҳис қилдим. Бундан руҳим тетикланди, кучимга куч қўшилгандек бўлди. Финалда доминиканлик Хуан Рамон Соланони 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдим. Муваффақиятим шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шу куни мендан бахтли одам йўқ эди...

Ўтган йили Болгариянинг София шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ғалабам ҳам менга улкан қувонч ҳадя этди. Гватемалалик Карлос Товар, грузиялик Георгий Ҳарабадзе, украиналик Олексей Токарчук, доминиканлик Хуан Рамон Солано, хорватиялик Лука Пртенякни мағлуб этиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Ўшанда 69 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этардим.

Жорий йилда Болгарияда ўтказилган анъанавий «Странжа» халқаро турнирида 75 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги мусобақаларда қатнашиб, олтин медаль соҳиби бўлдим.

Биз эришаётган муваффақиятлар спорт оламига энди кириб келаётган укаларимиз қалбида иштиёқ ва ҳавас уйғотаётганини кўриб, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Чунки мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда, спортчиларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш энг муҳим масалага айланмоқда. Буларнинг барчаси ғалабага интилишимизни кучайтириб, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлаётир. Бугунги Ўзбекистон ёшлари – энг бахтли ёшлардир.

Келгусида Президентимизнинг биз, ёшларга билдираётган ишончини оқлаб, бокс бўйича катталар ўртасидаги Осиё ва жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш олий мақсадимдир.

Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,
бокс бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, Осиё ва жаҳон чемпиони.
(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 6 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг раиси Н.Йўлдошев очди ва бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда **«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»** деб номланган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик кунини юқори кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилгандир. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши жамоатчиликнинг Ватанимиз мустақиллигининг бетакрор қадр-қимматини, мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган машаққатли ва шу билан бирга шонли йўлнинг, кенг қамровли ислоҳотларнинг, фуқароларимизни янги марраларни забт этишга ундайдиган улуғвор муваффақиятларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб етишида муҳим омил бўлди.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлагандек, кўриб чиқилаётган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида муҳим масала бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва унинг асосида ишлаб чиқилган мазкур Қонун сўнгги йилларда ушбу соҳада ишлаб чиқилган ўз кўлами ва мазмунига кўра энг муҳим норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади, бу эса хусусий сектор фаолиятини кучайтириш ҳисобига республика иқтисодиётининг шиддат билан ривожланишига кучли туртки бериши шубҳасиздир.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилояти Андижон туманидаги Ўрикзор маҳалласида замонавий аквапарк иш бошлади. 2,5 гектар ҳудудни эгаллаган аквапаркда болалар учун тўртта бассейн, чўмилиш ҳавзаси, кийиниш хоналари, душ мавжуд. Турли шакл ва ҳажмдаги фавворалар ҳам барчага яхши кайфият бахш этади. Сирпаниш қувурлари ўрнатилган майдонча ўзига хос кўринишга эга бўлиб, энг баланд сирпаниш қурилмасининг баландлиги 13 метрни ташкил этади.

● Фарғона вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида 1 минг 989 лойиҳа амалга оширилди ҳамда ўн мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ушбу мақсадларга 190 миллиард сўм маблағ сарфланди. Марғилон шаҳридаги «Ҳамдамов Тоҳир Баҳодирович» хусусий корхонаси «Микрокредитбанк»дан олинган 200 миллион сўм кредит ҳисобидан замонавий ишлаб чиқариш корхонаси барпо этди.

● Наманганда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» эзгу ғояси остида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган танловда 12 фуқаролар йиғини ходимлари иккита шарт асосида ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Миср ўтган ўн йил давомида Сувайш каналидан фойдаланиш орқали қарийб 47 миллиард доллар ишлаб топди. Агентлик маълумотларига кўра, 2004-2014 йиллар оралиғида Сувайш каналидан фойдаланиш натижасида йилига ўртача 4,7 миллиард доллардан даромад тушган. Энг кўп даромад 2009-2010 йилги мавсумда — 5,5 миллиард доллар, энг кам даромад эса 2004-2005 йилги мавсумда — 3,3 миллиард доллар олинган.

● NASA Халқаро космик станциянинг пастлаб бораётган Ойнинг фонида туширилган суратини тақдим қилди. Суратда ХКС Ой марказидан ўнгда кичикроқ қора шарпа сифатида кўринган. Унинг муаллифи сураткаш Билл Ингаллсдир. NASAнинг баҳо беришича, станция йўлдош гардишини кесиб ўтаётганда уни суратга олиш учун сураткашнинг 0,82 сония вақти бўлган.

● Германиянинг BMW, Audi ва Daimler автомобиль ишлаб чиқарувчилари Nokia компаниясининг HERE картографик сервисини сотиб олди, дея хабар бермоқда «Motor.ru». Олди-сотди нархи 2,8 миллиард евроni ташкил этди. Автомобиль компаниялари сервисга тенг улуш билан эгалик қилади. Харид келаси йилнинг биринчи чорагида якунланади. HEREни харид қилиш орқали Германия концернлари автопилотли машиналар ишлаб чиқиш учун зарур барча технологияларни қўлга киритади.


№ 161 (

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
24
O'ZBEKISTON





СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА











Бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзийди. Улар таълим-тарбия олаётган энг замонавий кўринишдаги мактабгача таълим муассасалари, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида яратилган шарт-шароитларни кўриб беихтиёр кўнгилда шукроналик ҳисси уйғонади.

Таълим

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги ифодаси сифатида 1999 йил тубдан реконструкция қилиниб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси мақомини олиб фаолият юритиб келмоқда. Эътиборлиси ушбу таълим маскани ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишида Республикамиздаги таянч таълим муассасаси ҳисобланади. Коллеж республика бюджети ва Корея республикаси кредит лойиҳаси асосида замонавий ахборот технологиялари ва ўқув лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, «Молиячи», «Банк иши мутахассиси», «Бухгалтер» ва «Суғурта агенти» йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида мутахассислар тайёрлаб келмоқда.

— Таълим масканимизда 2000 га яқин талабалар таълим-тарбия олиб, уларга 150 нафар юқори малакали профессор-ўқитувчилар бугунги кун талаби асосида сабоқ бериб келмоқдалар, — дейди Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзағаниев. — Уларнинг келажакда юқори малакали мутахассис ва ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Коллежнинг ахборот ресурс маркази 30 мингдан зиёд ўқув адабиётлари ва доимий нашрлар ҳамда электрон қўлланмалар билан таъминланган. Ахборот-ресурс маркази интернет тармоғи орқали янги маълумотлар билан доимо бойитиб борилади. Мақсадимиз фақат бир нарсага қаратилган: бизга билдирилган юксак ишончга муносиб жавоб бериб, ишимизга масъулият билан ёндошиш, ўсиб келаётган ёшларга тўғри таълим-тарбия бериб, ҳаётда ўз ўрниларини топишларига муносиб ҳисса қўшишдир.

— Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчи эдим, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Умиджон Мадаминов. — Коллежнинг барча факультет ва кафедралари томонидан талабалар ўртасида доимий равишда маънавий-маърифий тадбирлар, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ўтказилиб келинади. Унинг ижобий натижаси сифатида улар республика, шаҳар фан олимпиадалари, «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Энг яхши мутахассис» кўрик-танловлари ва «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Биз ўз касбига фидойилик билан меҳр қўйиб, эртанги кунимиз учун муносиб шогирд тайёрлашга бел боғлаган устоз-мураббийлар фаолиятига муваффақиятлар ва ниятлари ижобат бўлишини тилаган ҳолда хайрлашдик. Зеро, кўнгилда эзгулик ҳукмрон экан, мақсад-муддаолар амалга ошаверади.

Иқтисодиёт

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларига қулай шарт-шароит яратилаётгани боис юрт ривожи ва фаровонлигига ҳисса қўшишга бел боғлаган тадбиркорлар сафи ошиб бормоқда.

Хусусан туманда 2014 йилда иш бошлаган Хайрулла Азлархонов бош бўлган «Best Bekeру» масъулияти чекланган жамият фаолияти ҳақида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонада бир кунда 8 тоннага яқин ундан 50 хилдан ортиқ нон маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

— Бугунги кунда Германия ва Россиядан келтирилган замонавий печларимизда пишиб чиқаётган нонларимизга кундан-кунга талаб ортиб бормоқда, — дейди корхона технологи Рустам Юнусов. — Сабаби маҳсулотингиз қанчалик сифатли бўлса талаб ҳам шунга яраша бўлади. Буханка нонимизнинг тезда сифати бузилмаслиги, ачиб қолмаслиги ва мазали бўлиши учун озгина фойдали унсурларни қўшамиз. Маҳсулотларимизни талабга кўра 40 дан ортиқ «Дамас» автомашиналаримиз шаҳримиздаги барча савдо дўконларига етказиб бермоқда. Чилонзор туманида эса ўзимизнинг савдо дўконимиз ҳам бор. Бугунги кунда 100 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Келажакда кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги мини цехни ишга туширмоқчимиз.

Демак, корхонамиз кенгайиши билан яна 15 та иш ўрни яратилади. Мақсадимиз касб-ҳунар коллежини ушбу соҳа бўйича битирган ёшларни ишга жалб этишдир.

Ҳозирда кўп қаватли уй-жойларни талаб даражасида сақлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган. Бу борада давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунлар асосида коммунал соҳада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ислоҳотлар оқимида

ШИРКАТ — ИБРАТ

Хусусан, Сергели туманидаги «Тинчлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Эшметованинг таъкидлашича, ХУЖМШлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ширкатнинг ишларини ибратга айлантириш учун ўзаро яқин ҳамкорлик, аҳоли билан тил топишиш ва улар кўнглида «ўз уйим — ўзимнинг маҳаллам» деган эзгу тушунчани уйғота олиш лозим.

Маҳаллада 7600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошлар ўзаро аҳил ва ҳамжиҳатликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ўз ҳудудларининг озода ва тинч-осуда бўлишига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ушбу маҳаллага кириб келганимизда покизалик ва орасталик, гулу чечакларнинг қийғос очилиб туриши, кириш йўлаклари ёнидаги чиқиндихоналарнинг замонавий талаб даражасида таъмирланиб, акфа эшиклари ўрнатилиб, брусчаткалар ётқизилгани ва уларнинг ҳар бири аҳолига хизмат кўрсатадиган кичик маиший ва савдо шохобчаларига айлантирилгани эътиборимизни тортди.

— Қаровсиз ётган ерлар обод бўлди, янги иш ўринлари яратилди, — дейди маҳалла раиси қалби жўшиб. — Бу борада бизга хизмат кўрсатаётган олтита ХУЖМШларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ўз вазифангизга жиддий ёндошиб, ибратли ишлар бошида турсангиз ўйлаган мақсадингиз амалга ошиб, аҳоли билан ишлаш ҳам қийин бўлмайди. Мавсумга тайёргарлик ишларининг вақтида бажарилиши эса юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан ҳоли қилади.

— Биз ушбу ҳудуддаги 4 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатамиз, — дейди «Буюк юрт коммунал» ширкати раиси Хурсанд Ҳайитов. — Яшовчиларга қулайликлар яратиш мақсадида режали ишларни олиб бормоқдамиз. Бугунги кунгача аҳоли билан ўзаро келишиб, ҳамжиҳатликда, томни тўлиғича янгилаб, ёндик, ертўлалар тозалигига эътибор қаратиб, қувурлар янгиланиб, бўёқ берилди ва кириш йўлакларини обод ва кўркамзор масканга айлантириб, дарахт ва гулу райҳонлар экилди. 600 кв. метр йўлга бетон ётқизилди. Бу ишларни амалга ошириш учун «Капиталбанк» ОАЖдан 36.5 миллион сўм кредит олдик ва секин аста олдимизга қўйилган вазифаларни бажариб келмоқдамиз. Мақсадимиз аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг ишончини оқлаш.

Ёшлар — келажагимиз

ҲУНАР — ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Юртимизда ёшларнинг униб-ўсишлари, жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари, ҳаётда ўз ўрниларини топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар фикримиз далили бўла олади.

Ушбу лойиҳага асосан вазирликнинг туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан корхоналарнинг буюртмалари асосида ҳар йили 25-30 мингга яқин иш билан банд бўлмаган ёшлар касб-ҳунарга қайта ўқитилади. Бунинг учун 217 та базавий касб-ҳунар коллежларининг имкониятларидан фойдаланилади.

Маълумки, тез ўзгарувчан бозор конъюнктураси шароитида қисқа муддатларда замонавий касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи таълим муассасаларига талаб кучайиб бормоқда. Ушбу соҳани янада ривожлантириш ҳамда ишсизларни ва банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларининг битирувчиларини меҳнат бозорида талабгир эга бўлган мутахассисликлар бўйича касб-ҳунарга қайта ўқитиш ва малакасини ошириш юзасидан тегишли шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 августдаги қарорига мувофиқ шаҳримизнинг Сергели туманида Корея Республикасининг грант маблағлари ҳисобига Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилди.

— Марказимиз ўзининг имкониятларига кўра ҳамда энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув-ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва амалиёт кўлланмалари билан ўзига хос ҳисобланиб, республикамиздаги касбий таълим тизимида муносиб ўринга эга, — дейди марказ директори Равшан Ибрагимов. — Марказимизда ёшлар «Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиялари», «Электроника ва электротехника», «Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» ҳамда «Ахборот технологиялари ва тизимлари» мутахассисликлари бўйича ўзлари истаган йўналиш доирасида 10 ой ўқийдилар, шундан бевосита марказда касб-ҳунарга ўқитиш 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти ўтиш 4 ойни ташкил этади. Ўқувчиларга юқори малакага эга бўлган 24 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари таълим берадилар. Шулардан 8 нафари Корея Республикасида махсус тайёргарликдан ўтишган. Бундан ташқари KOICA томонидан 8 нафар кўнгилли ўқитувчилар Кореядан келиб ўқувчиларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар.

— Энг муҳими марказимизни битириб чиққан ҳар бир ёш ўзига муносиб ишга жойлашади, — дея суҳбатимизга қўшилди касб-ҳунарга ўқитиш марказининг Маркетинг ва мониторинг бўлими бошлиғи Жамшид Маҳмудов. — Жумладан ўтган қисқа фурсат ичида бу ерда 1500 нафарга яқин ёшлар касб-ҳунарга қайта ўқитилди ва уларнинг барчаси аввалдан тузилган уч томонлама шартномалар асосида тўлиқ иш билан таъминланди.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда республикамизнинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Кўқон ва Урганч шаҳарларида ҳам шундай касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЎҚУ

Мамлакатимизда тинчлик тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўл рўёбга чиқариш, кенг кўла ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратил чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мавжуд ўн мингга яқин фуқаро ўзини ўзи бошқариш органлари аҳо ли қатламлари манфаатларини ифо билан бирга, уларнинг жамият ҳаё фаоллигини оширишга муҳим ҳисса ётгани «Кучли давлатдан – кучли ф лик жамияти сари» тамойили тобор таҳкам қарор топаётганидан далола

Маҳалла институти ва фуқаро ўзини ўзи бошқариш органлари фао ни янада такомиллаштириш, уларнинг ва ваколатларини кенгайтириш давла нинг доимий эътиборида. Ҳар йил ҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, са маиший хизмат кўрсатиш шохобчала лалар спорт майдончалари барпо ички йўллар ва йўлакларни таъмирла қаватли уйларнинг атрофини ободо тириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар а оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил тябрда қабул қилинган «Фуқаро ўзини ўзи бошқариш органлари ход ринининг малакасини ошириш бўйич курсларини ташкил этиш тўғриси Қарори шу йўналишдаги ишларни яна комиллаштириш ва ривожлантириш мат қилмоқда. Чунки мазкур қарор да фуқаролар йиғинлари ходимла касб ва бошқарув малакаси ошир билан бирга, тизим ходимларига за лаблари асосида фаолият юритиш услубий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда.

Пойтахтимизда ташкил этилган ан дай ўқув-семинарда «Маҳалла» хайри ат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳа ман бўлинмалари ходимлари иштирок

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат ди Тошкент шаҳар бўлими раиси ва ни бажарувчи Аҳрор Ғуломов ва бош фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш лари маҳаллаларда осойишталикни та лаш, аҳоли фаровонлигини ошириш изчил фаолият юритаётганини таъкид Маҳалланинг аҳолини аниқ манзилли моий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадби лик ва оилавий бизнесни ривожлан марказига айланиши учун зарур ҳуқуқ яратилгани бунга кенг йўл очмоқда.

Семинарда маҳаллаларда ижтимоий навий муҳит барқарорлигини таъминла қаролар сиёсий онги ва тафаккурин салтириш, ёшлар ва хотин-қизлар бил лаш, уларни ишга жойлаштиришга қў шиш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қат қўллаб-қувватлаш каби масалалар, ларни эъзозлаш йили» Давлат дастур росини таъминлашга алоҳида эътибор тилди. Соҳага оид қонунлар ва янги лар, замонавий ахборот технология жорий этишни кенгайтириш, «оила – ла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги чайтириш билан боғлиқ масалалар олим ва мутахассислар томонидан иш чиларга батафсил тушунтириб берил

– Мазкур семинар маҳаллалар фао самарадорлигини янада оширишга қилади, – дейди ЎзА мухбирига «Ма хайрия жамоат фонди Яшнобод т бўлинмаси раиси Улуғбек Саидов. монавий шакл ва услублар, илғор пе гик, ахборот-коммуникация ва инно технологияларидан фойдаланган ташкил этилган ўқув жараёнида ма тимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий сий жараёнлар моҳияти, бу борада ланинг ўрни ва ролига оид муҳим ту ларга эга бўлдик. Бу каби чора-тадб жамиятимизда маҳалла институти мавқеини янада мустаҳкамлашга, халқ нинг тинч ва фаровон турмушини та лашга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИ

№ 161 (

ЎЗ
СЕНА

Қонун била
юритиш тарти
чи ва бошқа д
батлардан то
фаатларини
ликни эркинла
лари фаолият
қиладиган 40
ва қўшимчала

Мажлисда
ринг Фарм
ларига кирит
тадбиркорлик
нинг, тадбир
қонуний манф
механизмлари
биркорларни
ноқонуний ара
сабдор шахс
тиради.

Жумладан,
дан бўйин то
зарлик содир
дан кейин ўт
рарни тўлиқ
лиявий санкц
жиноий иш қ
ма ўта муҳим
қонуний тадб
лик ва савдо
жазо тайинл
юрисдикция
бундан йирик

Сенаторла
ганидек хўжа
ри ва қонуний
ҳуқуқбузарли
фаолиятига т
ганлик учун ж
Жиноят коде
тўғрисидаги
рига бирлашт
нинг кафола
шахсларнинг
ришга кўмакл

Таъкидлан
налар ва фер
йилда кўпи б
тувчи субъект
лан бир март
тибнинг белг
нинг хўжали
ҳимоя қилиш
шароитларни

«Тадбиркор
лари тўғрисид
латимиз раҳб
вазифаларни
қонун ҳужжат
назарда тутил
даланиш тарт
Қабул қилина
тив давлат ҳи
ференциялар
биркорларга
вақтида хаба

Муҳокама ч
ноний иш бўй
товарлари да
дирда Солиқ
циялар
гини назарда
ларининг иш
лик, кичик б
шарт-шароит
этилаётган н
нинг ҳаддан т
ка қаратилган

Мажлисда
ликларнинг қ

***Айни кунл
устақиллиги
уносабати
ҳаҳримиздан
а истироҳат
айдонларда
аданий дам
арт-шароит
аданий-ма
тказилиб к***

Тадбир

КЎН ЗАВҚ

Сергели тума
ажмуасида ҳа
нцерт дастур
Унда туманда
ізлари қошид
, рақс ҳамд
гирчоқ театр
астурлари бил
Тадбирларда
атри ҳамда
аскорлик
лаво», «Бинафш
қ рақсчилар»
ри билан бар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини анча кучайтиради.

Жумладан, сенаторларнинг фикрича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш тарзида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар жиноят аниқланган кейин ўттиз кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, пенялар ва бошқа молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслигини назарда тутувчи норма ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик ва савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жазо тайинланмаслиги, бунинг ўрнига маъмурий юрисдикция қўлланилиши назарда тутилмоқда, бундан йирик жиноятлар мустасно.

Сенаторларнинг фикрича, қонунда назарда тутилганидек хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган барча ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, мустақил бобларига бирлаштирилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатланишини кучайтиришга, мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги жавобгарлигини оширишга кўмаклашади.

Таъкидланганидек, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини уч йилда кўпи билан бир марта текшириш мумкинлиги ҳақидаги тартибнинг белгилаб қўйилиши тадбиркорларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимоя қилишга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилаётган норма давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг яна бир тимсоли бўлди. Ушбу норма қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Қабул қилинаётган қонунга мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилмоқда. Бу тадбиркорларга соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Муҳокама чоғида қайд этилдики, маъмурий ёки жиноий иш бўйича тадбиркорларнинг қайд этилмаган товарлари давлат даромадига айлантирилган тақдирда Солиқ кодексида кўрсатилган молиявий санкцияларнинг тадбиркорларга нисбатан қўлланмаслигини назарда тутувчи норма улар мулкий манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, тадбиркорлик, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади. Таклиф этилаётган норма тадбиркорлар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

Мажлисда қайд этилдики, ана шу ва бошқа янгиликларнинг қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида сўзга чиққан сенаторлар қайд этганларидек, қонун инвестиция ва пай фондларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, республикада жамоа томонидан инвестициялар киритиш тизими яратилишини рағбатлантиришга қаратилган. Бу вақтинча бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтиришда, уларни турли иқтисодий, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари учун шарт-шароитлар яратади.

Муҳокама чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин ўтказилишини таъминлаш каби вазифаларнинг самаралироқ бажарилишига, инвесторлар, тадбиркорлар ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозоридан эркин фойдаланиш имкониятини беришга, фонд маблағларини самарали бошқаришга, фуқароларнинг омонатларини шакллантириш ва уларни кўпайтиришнинг муқобил имкониятларини яратишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган **«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»**ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда таъкидланганидек, Қонунда янги қоидалар назарда тутилган бўлиб, улар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу соҳадаги ваколатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишга, жисмонан ва ҳар томонлама етук ёшларни шакллантиришга, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришга, юқори классдаги спортчиларни, шунингдек, спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, спортнинг миллий турларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Сўнгра сенаторлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган **«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, 1992 йилда қабул қилинган амалдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг ўрнига қабул қилинаётган ушбу Қонун замонавий талабларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизимини янада ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини бажаришга қаратилган. Шунингдек, Қонунда ҳудудлар, иншоотлар, бинолар, ташкилотлар, бошқа объектларни сақлаш юзасидан санитария-эпидемиологик талабларни белгилашда фуқаролик жамияти институтлари кенг иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилмоқда.

Сенаторлар мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада таъсирчан санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар уюштирилиши ва ўтказилиши, жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши учун ижро этувчи ҳокимият органлари ва назорат хизматларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонунни кўриб чиқиш жараёнида сенаторлар жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўта муҳимлигини қайд этдилар. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш деб номланган янги жазо чорасининг жорий этилиши жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар жазонинг адолатлилик принципини тўлиқроқ рўёбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга кўмаклашади.

